

# **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА**

## **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ягона электрон чипта сотиш тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси

### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:**

Ташаббускорлик асосида ишлаб чиқилган.

### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Ягона электрон чипта сотиш порталини ташкил этиш ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш миллий тизимини яратиш ташкил этиш тўғрисида

## **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартиби солинадиган маълумотлар**

### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари** – “Ягона республика процессинг маркази” МЧЖ;

**давлат органлари ва корхоналари гурухи** – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Uzbekistan airways” АЖ, “Ўзавтовокзал сервис” ДУК ва республика худудидаги барча автовокзаллар ва йўловчилар автостанциялари;

**бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари** – мавжуд эмас.

### **6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт

вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан билдирилган қўйидаги:

а) ягона электрон чипта сотиш порталини (кейинги матнларда – “ЯЭЧСП”) яратиш;

б) ягона электрон чипта сотиш порталини ташкил этиш ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш миллий тизимини яратиш юзасидан чоратадбирлар режаси (кейинги матнларда –“Чора-тадбирлар режаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш;

в) ЯЭЧСПнинг ягона операторини (кейинги матнларда – “Оператор”) масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш таклифларига розилик берилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда “Ягона республика процессинг маркази” МЧЖ Операторнинг муассислари ҳисобланади ҳамда устав капиталида тегишли равищда 49 ва 51 фоиз улушлар билан иштирок этиши кўрсатилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 4-банди г) хатбошига асосан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзветовокзал сервис” ДУК ва йўловчилар автостанциялари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Uzbekistan airways” АЖ чипталарни брон қилиш, сотиш, ва қайтариб олиш, шунингдек, Оператор билан агентлик шартномасини тузишни кўзда тутган ҳолда барча мавжуд чипта сотиш ахборот тизимларини ЯЭЧСП билан интеграциялашни таъминлаш топширилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужҷатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Қарор лойиҳасининг **1-бандига** асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан билдирилган қўйидаги:

а) ягона электрон чипта сотиш порталини (кейинги матнларда – “ЯЭЧСП”) яратиш;

б) ягона электрон чипта сотиш порталини ташкил этиш ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш миллий тизимини яратиш юзасидан чоратадбирлар режаси (кейинги матнларда –“Чора-тадбирлар режаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш;

в) ЯЭЧСП нинг ягона операторини (кейинги матнларда – “Оператор”) масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш таклифларига розилик берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонуни **12-моддасига асосан** давлат бошқаруви органлари товар ёки молия бозорининг нормал фаолият қўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган **ҳаракатларига ийл қўйилмайди**.

Шунингдек, ҳозирги кунда республикамизда бир нечта хўжалик юритувчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (e-ticket.railway.uz), “Uzbekistan Airways” АЖ (uzairways.online), “Ўзавтовокзал сервис” ДУК (avtoticket.uz) томонидан онлайн чипталар сотиш, шунингдек, интернет тармоқлари орқали кино, театр, концерт ва спорт тадбирлари учун (iticket.uz ва myticket.uz) онлайн чипталар сотиш йўлга қўйилган ва самарали фаолият юритмоқда.

Ушбуларни инобатга олиб, қарорнинг мазкур бандидан **“ягона” деган сўзларни чиқариб ташлаш** ва тенг рақобат муҳитини яратиш чораларини қўриш лозим.

6.2. Қарор лойиҳасининг **2-бандига** асосан Ўзбекистон Республикаси **Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси** ҳамда “Ягона республика процессинг маркази” МЧЖ Операторнинг муассислари ҳисобланади ҳамда устав капиталида тегишли равища **49 ва 51 фоиз улушлар** билан иштирок этиши қўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да **иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш**, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш қўрсатилган.

Бундан ташқари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан энди асосий эътиборни корхоналар ўртасида **соғлом рақобатни таъминлаш** орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимииз кераклиги белгилаб берилган.

Лойиҳадаги нормалар юқорида кўрсатилган давлат рақобат сиёсати йўналишларига ҳам зид равища **киритилган**.

Юқоридагиларни инобатга олиб, лойиҳанинг **2-бандини** қайта кўриб чиқиши ва операторни белгилашни рақобат тамойилари асосидаги тартиботлар (**танлов, тендер**) орқали амалга оширилиши мақсадга **мувофика ҳисобланади**.

6.3. Қарор лойиҳасининг 4-банди г) хатбошига асосан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзавтовокзал сервис” ДУК ва йўловчилар автостанциялари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Uzbekistan airways” АЖ чипталарни брон қилиш, сотиш, ва қайтариб олиш, шунингдек, Оператор билан агентлик шартномасини тузишни кўзда тутган ҳолда **барча мавжуд чипта сотиш ахборот тизимларини ЯЭЧСП билан интеграциялашни таъминлаш** топширилган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”**ги қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузища устунлик бериш, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равища бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Ушбуларни инобатга олиб, мазкур бандда чипта сотиш ахборот тизимларини **ихтиёрийлик асосида** ЯЭЧСП билан интеграциялаши мумкинлигини **кўрсатиш** лозим.

## V. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электрон чипта сотиш хизматлар бозорида тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида қарор лойиҳасини:

Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”**ги Қонуни талабларига мослаштириш;

мазкур хулосада кўрсатиб ўтилган таклифлар асосида қайта тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.